

К.М.Икрамова

Ўзбекистон республикаси Банк-молия академияси

ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ СУҒУРТА БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Ҳозирги кунда ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келди ва унинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Рақамли технологияларнинг ривожланиши давлат ва жамиятнинг барча соҳаларини ўзгартириб юборди. Замонавий молия технологиялари суғурта соҳасига ҳам кириб келди ва унинг бир қисмига айланди. Шунинг учун мақола молия технологияларнинг суғурта фаолиятини ривожлантиришга, жумладан рақамлаштириш, интернетлаштириш, индивидуаллаштириш каби соҳаларига таъсирини кўриб чиқишга бағишланган. Мақолада молиявий технологияларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар ва омиллар, шунингдек, миллий суғурта бозорида улардан фойдаланиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: замонавий молия технологиялари, суғурта, рақамли суғурта, finTech, Insurtech, сунъий интеллект, internet of things, blockchain, big data.

IMPACT OF MODERN FINANCIAL TECHNOLOGIES ON THE INSURANCE MARKET

Abstract. Nowadays, information technology has entered all areas of our life and has become an integral part of it. The development of digital technologies has changed all spheres of the state and society. Modern financial technologies have also entered the insurance sector and become a part of it. Therefore, the article is devoted to considering the influence of financial technologies on the development of insurance activities, including digitalization, internetization, and individualization. The article highlights the problems and factors hindering the development of financial technologies, as well as the prospects for their use in the national insurance market.

Keywords: modern financial technologies, insurance, digital insurance, finTech, Insurtech, artificial intelligence, internet of things, blockchain, big data..

Кириш

Миллий молия бозорига янги технологияларнинг кириб келиши, соҳани рақамлаштирилиши унинг барча сегментларини камраб олди, жумладан суғурта соҳасини ҳам. Барча соҳаларда рақамлаштиришнинг фаол жараёни давом этмоқда, бунда суғурта компаниялари томонидан бизнес жараёнларига янги молиявий технологияларни жорий этишни ҳам тақазо этмоқда. Суғурта

компанияларининг бизнес-жараёнларни ўзгартириш технологик, молиявий, маркетинг жараёнлари ва суғурта хизматларини сотишнинг бевосита жараёнларига тегишлидир. Ривожланаётган интернет ва рақамлаштириш муҳити нафақат суғурта хизматларининг ташқи қиёфасини ўзгартиради, шунингдек уни ривожлантирди, интернет-сотиш ёки онлайн савдо сегментини кенгайтди, бу эса суғурта маҳсулотларининг нархи пасайишига ва электрон тижорат савдонинг ўсишига олиб келди.

Замонавий технологиялар биринчи навбатда, интернет, рақамли экотизим, мобил ва ижтимоий платформалар соҳасидаги туб ўзгаришлар миқдорларнинг хоҳиш-истаклари, уларнинг хатта-ҳаракатлари ва қарорлар қабул қилишига сезиларли ўзгаришлар олиб келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, суғурта бозорининг ривожланиши учун инновацион ечимларни излаш, компанияларининг суғурта маҳсулотларини рақамли иқтисодиёт шароитида тақдим этишларининг инновацион ёндашувларига боғлиқдир.

Адабиётлар шарҳи

Ҳозирги кунда замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири инфорацион технологияларидан кенг фойдаланишдир. Информацион инқилоби таъсирида содир бўлаётган ўзгаришлар кўлами янги иқтисодий моделнинг – рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ҳақида гапиришга имкон берди, бунда ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли шаклдаги маълумотлардир (Пичков О. Б., Уланов А. А., (2017)). Бундай технологиялар суғурта бозорида ҳам у ёки бу даражада қўлланила бошлади. Улардан фойдаланиш суғурта фаолиятидаги кўплаб бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга олиб келмоқда (Котловский И. Б., Сириченко Н. В., (2017)).

Суғурта соҳасига янги рақамли технологияларни қўллаш нафақат савдо каналарини кенгайтиш ва савдо ҳажмини ошиши, балки компанияларнинг суғурта соҳасининг кенгайишига ва суғурта маҳсулотларининг кенгайишига олиб келади. Кросс-сотиш суғурта компаниялари ва уларнинг ҳамкорлари (молия институтлари, микромолия ташкилотлари, интернет провайдерлар, онлайн сайёҳлик агентликлари ва бошқалар), шунингдек, масофавий, электрон тижорат ва савдо билан шуғулланувчи турли ташкилотларнинг веб-сайтлари орқали амалага оширилади. Бунда нол харажат тамойили асосида ҳамкорлик олиб борилади, яъни харажатлар максимал даражада камаяди сабаби тш юритиш жараёнлари соддалашган ҳолда рақамли маконда олиб борилади (Бризглов (2018)).

Суғурта компаниялари сотиш каналини такомиллаштириш мақсадида мобил рақамли технологияларни фаол ўзлаштирмоқда, компаниянинг [International Journal of Finance and Digitalization](http://www.ijfd.uz)
Email: ijfduz@gmail.com

стандарт дастурлар доирасида, ҳамда ҳар бир суғурталовчига мўлжалланган мослашувчан дастурлари орқали суғурталанувчилар учун жиддий кураш олиб боришмоқда, ўз навбатида янги технологиялар уларга бундай фаолиятларида яқиндан ёрдам бермоқда. Бизнес-жараёнларда суғурта шартномаларини кўллаб-қувватлаш ва суғурта ҳодисаси юз бергандан суғурталанувчилар билан мулоқот қилишга қаратилган янада қулай технологияларни жорий этиш борасида фаолият олиб бормоқдалар (Тепкаева (2020)).

Замонавий дунёда хизмат кўрсатиш соҳаларининг жадал ривожланишини илғор технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, рақамлаштириш инсон ҳаётининг деярли барча жабҳаларига, турли товарларни харид қилишдан тортиб, таълим ва банк хизматларига қадар кириб борди, мамлакат ва жамиятнинг бутун иқтисодий фаолиятини ўзгартир юбормоқда. Рақамлаштириш суғурта соҳасига ҳам кириб келди ва бу соҳада ўзгаришларни бошлаб юборди. Бундай ўзгаришлардан “рақамли суғурта”, “ақлли суғурта”ларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Энг асосийси бундай ўзгаришлар мижозлар учун кўплаб қўлайликларни яратиб берди (Бикоева (2019)).

Ҳозирги вақтда суғурталовчилар ўзларининг суғурта хизматларини сотишни ташкил қилишда биринчи навбатда информацион технологияларидан фойдаланадилар (Козлова О. Н. ва бошқалар, (2017)). Улардан фойдаланиш суғурта шартномаларини тузиш жараёнларини тезлаштириш, суғурта агентлари ва савдо бўлимлари билан алоқаларни соддалаштириш имконини бермоқда (Турдумамбетов Б.К., (2017)).

Бутун дунёда бўлгани каби Россия суғурта бозорининг ривожланиши тобора кўпроқ янги замонавий информацион технологияларини жорий этишга боғлиқдир. Улардан суғурта фаолиятида фойдаланиш суғурта операцияларининг ҳажми ва кўламини ошириши, суғурта хизматлари сифатини яхшилаши, иш юритиш харажатларни камайтириши ва пироварда рискларни самарали бошқариш усули сифатида фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради. (Сплетухов (2020))

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида суғурта соҳасида янги молиявий технологияларни ва уларнинг назарий асослари ўрганилди, суғурта фаолиятини инновацион ривожлантириш моделлари таҳлил қилинди, шунингдек мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Замонавий молия технологияларини суғурта соҳасига жорий этишни шартли равишда иккига бўлиш мумкин, яъни ички ва ташқи жараёнларга.

Суғурта компаниясининг ички бизнес-жараёнларига замонавий технологияларни киритиш кўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

– Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни юритиш, бу солиқ идоралари ҳамда суғурта назорат органлари билан доимий равишда молиявий ҳисобларни шакллантириш, алмашиш каби жараёнларни соддалаштиришни назарда тутати;

– Ташқи маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда суғурталанувчилар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш иборатдир;

– Электрон ҳужжат юритишни ташкил этиш, бўлимлар, филиаллар билан маълумотлар алмашилиш жараёнини соддалаштириш;

– Суғурта даъволарини кўриб чиқиш, керакли ҳужжатларни онлай тақдим шаклларини яратиш каби жараёнларни қамраб олади;

– Суғурта шартномаларини тузиш жараёнларини рақамлаштириш орқали суғурталанувчиларга керакли маълумотлар ва маслаҳатларни бериб бориш;

– Суғурта шартномалари бажарилиши назорат қилиш жараёнларини соддалаштириш, бунда узоқ муддатли суғурта шартномлари мониторингини ташкил боришни назарда тутати.

Суғурта компанияларининг ташқи бизнес жараёнларига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш кўйидагиларни назарда тутати:

– Суғурта объекти ва субъекти бўйича суғурталаш учун зарур бўлган ташқи маълумотларни тўплаш, уларни сақлаш, қайта ишлаш;

– Маркетинг муносабатларини трансформацияси, суғурталанувчилар хоҳиш имкониятлари бўйича бошланғич маълумотларни тўплаш, бу асосида улар талабига мос равишда суғурта маҳсулотларини тақдим этиб бориш;

– Сотиш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида интернет оламида ўз рақамли профилини яратиш, компания тўғрисидаги очиқ маълумотларни тақдим этиб бориш ва бошқалар.

Замонавий дунёда барча субъектлар эртами ёки кеч ўз таклифларини рақамлаштириш тизимига ўтказадилар. Шу сабабли, FinTech ва Insurtech каби атамалар пайдо бўлди, бу атамалар молия-кредит ва суғурта соҳаларида молиявий технологиялардан фойдаланишни тавсифлайди.

Молиявий технологиялар ёки FinTech – молиявий хизматлар бозоридаги анъанавий компаниялар бўлган молия-кредит компаниялари билан рақобатлашадиган ва ўз фаолиятларила молиявий технологиялар ва инновацияларни қўллайдиган компаниялардан иборат бўлган соҳа саналади. Ҳозирги вақтда “FinTech” шў ичига кўплаб технологик стартаплар ва молиявий хизматларни кўрсатувчи йирик ташкилотларни ўз ичига олади.

“Insurtech” – бу суғурта соҳасида қўлланиладиган технологияларининг кенг доирасини акс эттиради. Суғурта компанияси ўз бизнес жараёнлари самарадорлигини ошириш учун қўлланиладиган ёки фойдаланиладиган ҳар қандай технологияларни тушинилади.

Айни пайтда суғурта фаолиятида қўлланиладиган қуйидаги замонавий технологияларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1. “Сунъий интеллект” – бу одатда инсонга ўхшаб ўйлайдиган ва ўрганадиган функцияларни намоён этадиган дастурий таъминотни англатади. Мижозлар билан матндан фойдаланган ҳолда мулоқат қиладиган чат-ботларни “Insurtech”нинг сунъий интеллектдан фойдаланишига мисол келтиришимиз мумкин бўлади.

Сунъий интеллект суғурта соҳасида тариф ставкани шакллантиришда кенг қўлланилиши мумкин бўлади, яъни суғуртага қабул қилинаётган шахслар ёки мол-мулкларни суғурталаш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилади.

2. “Insurtech”нинг яна бир тури сунъий интеллектнинг дастлабки кўриниши бўлган машина ўрганишдир. Машина ўрганиш – бу маълум вақт ичида машиналарни ўрганиш имконини берадиган технологиядир. У алгоритмлардан фойдаланиб, нейрон тармоқларини инсон миёсида симуляция қилиш учун ишлатилади. Машина ўрганиш компьютерларни махсус йўриқномадан фойдаланиб қўшимча кўрсатмалар бермасдан уларни ўрганишини ташкил этади.

Суғурта компаниялари ўз фаолиятлари давомида катта ҳажмдаги маълумотларни тўплайди, аммо “insurtech” қўлламаган ҳолда ушбу маълумотларнинг атиги 10 фоизини таҳлил қилишади. Машина ўрганиш суғурта компанияларига ўз маълумотларини янада самарали қайта ишлаш ва қимматли таҳлилларни олиш имконини беради. Бу технологияларни кўйидагича ишлатиш мумкин, масалан:

– Рискни моделлаштириш: келажакдаги йўқотишлар хавфини башорат қилиш учун даъво маълумотларини таҳлил қилиш;

– талабни моделлаштириш: мукофотларни баҳолаш ва маҳсулотларга бўлажак талабни башорат қилиш учун математик моделлардан фойдаланиш;

– фирибгарликни аниқлаш: инсон учун тушунарсиз бўлган жараёнларни машина ўрганишдан фойдаланган ҳолда фирибгарлик хатти-ҳаракатларини аниқлаш;

– даъволарни қайта ишлаш: ҳисобот бериш ва даъволарни қайта ишлашни автоматлаштириш.

3. Суғурта қўлланиладиган технологиялардан яна бири бу интернет нарса (*internet of things*, IoT, телематика, ақлли суғурта) ҳисобланади. Бу атама

интернетга уланган умумий жиҳозларга (телевизор, мухлаткич ва бошқалар) тегишли. Интернет нарсаларига мисол сифатида телематикани келтириш мумкин, бу тармоқ орқали маълумотларни йиғиш, қабул қилиш, сақлаш ва узатиш учун транспорт воситаларидаги электрон қурилмаларидан фойдаланишни англади.

4. “Insurtech” яна бири тури бу blockchain технологиялари. Суғурта соҳаси учун турли ечимларни яратишда блокчейн технологияларидан фойдаланиш уни мижозлар учун янада ишончли ва шаффоф қилади. Блокчейн суғурта соҳасида мутлақо янги имкониятлар очиши ва ушбу соҳани сезиларли даражада модернизация қилиш имконини беради, ҳамда бу қўйидагиларда ўз аксини топади:

- тузилган ақлли шартномалар асосида юз берган ҳодисалар бўйича автоматик суғурта тўловларини таъминлаш, рискларни камайтириш ва умуман мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ёрдам беради;

- блокчейн тизимларининг самарадорлиги бозорларни марказлаштирилмаган, тўлиқ рақамли ва хавфсизроқ қилади, сўровни қайта ишлаш вақти ва транзакция харажатларини камайтиради;

- воситачилар фаолиятини чеклаш ва оммавий блокчейн платформаларининг шаффофлиги тизимга ишончни оширади, иш вақтини сезиларли даражада оширади ва унинг нархини пасайтиради;

- транзакцияларни қайта ишлашнинг юқори тезлиги хизматларнинг индивидуал нархини шакллантиришни осонлаштиради ва бозорни янада мослашувчан қилади;

- суғурта хизматларининг ҳамёнбоплигини оширади ва кўпроқ фойдаланувчилар бозорга кириш имкониятига эга бўладилар.

5. Киберсуғурта, бу ҳам “Insurtech” бири тури ҳисобланади. Бу бизнес ва жисмоний шахсларнинг интернетдан фойдаланиш, маълумотларни электрон шаклда сайлаш ва қайта ишлаш, информацион тизимлар инфратузилмаларининг ишлаши билан боғлиқ бўлган рисклардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган суғурта маҳсулотидир.

6. “Big Data” технологиялари. Анъанавий суғурта бизнесини рақамли суғуртага айлантирувчи муҳим воситаларидан бири бу “Big Data” технологияларидир. Ушбу технология суғурта компанияларига ўз хизматларини сифат ва сон жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини беради. “Big Data” технологияси суғурта компанияларига рақобатдош устунликларни яратишга имкон беради. Катта маълумотларни таҳлил қилиш келажақдаги потенциал мижозларнинг эҳтиёжларини аниқлашга, мижозларнинг мақсадли гуруҳларини шакллантиришга, шунингдек уларнинг хатти-ҳаракатларини моделлаштиришга имкон беради, қўшимча равишда

фирибгарлик схемаларини олдиндан билиб олиш, шунингдек, авто суғуртада хизмат кўрсатиш сифати жиҳатдан ошириш ва индивидуал тиббий суғурта дастурларини яратиш имконини беради.

Қўйида суғурта соҳасининг турли босқичларида “Insurtech” технологияларидан фойдаланиш мисолларини келтириб ўтамиз (1-жадвал)

Интернет-ресурслардан фойдаланиш туфайли фойдаланувчилар шахсий кабинетга эга бўлдилар, шартномани тузиш ҳам суғурта компаниясининг офисда мижознинг иштирокисиз амалга оширилиши йўлга қўйилди. Телефонлар, GPS тизимлари ва бошқалар қурилмаларнинг мавжудлиги туфайлиги барча босқичлар автоматлаштирилди ва уларнинг ишлаш тизимлари тезлашиб кетди. Телематика ёрдамида рискларни баҳолаш ва суғурта маҳсулоти нархини аниқлаш яхшиланади. “Big Data” технологияси танлаш, таснифлаш ва тарифлаш учун турли маълумотлардан фойдаланиш имконини берди. Сунъий интелект рискларни таснифлашнинг янги мезонларини қидириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, актуар ҳисоб-китобларда маълумотларни кўп омилли таҳлил қилиш имконини берди. Бундан ташқари, мижозларнинг кўплаб саволларига ва уларга амалий ёрдам бериш учун чат-ботлардан фойдаланиш суғурта тизимини анча соддалаштириш олиб келди. Блокчейн технологиялари суғурта маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш, шартномалар тузиш ва суғурта тўловларини тўлашда янги технологиялардан фойдаланишни кенг жорий этди.

Шундай қилиб миллий суғурта бозорига инновацияларни киритиш ва ривожлантириш йўналишларини таҳли қиладиган бўлсак, яқин келажакда суғурталанувчиларни жалб қилишда суғурта компанияларининг индивидуал (шахсий) таклифлари ошиб боради. Шунга кўра, потенциал суғурталанувчиларга шахсий таклифларни шакллантириш учун мўлжалланган Big Data технологияларига эътибор қаратиш лозим. Иккинчидан блокчейн (blockchain) технологияларидан фойдаланиш турли хил ресурсларни яхлитликда бирлаштиришга имкон беради (масалан, универсал электрон суғурта картаси), бу суғурталанувчиларининг барча ҳужжатларини битта жойда сақлаши (полис, паспорт ва тех паспорт, турли гувоҳномалар, тиббий кассаллик картаси ва бошқалар) ва улардан бир неча маротаба фойдаланиш ва суғурталанган шахсни идентификациялаш нафақат суғурталаш жараёнларини тезлаштиришга, балки даъволарни қондириш жараёнини соддалаштириш, шунингдек транзакцияларнинг шаффофлиги туфайли фирибгарликни олдини олишни осонлаштиради.

1-жадвал

Суғуртанинг турли босқичларида молиявий технологияларни қўллаш имкониятлари

Қўлланиладиган молиявий технологиялар	Суғурталашнинг босқичлари ва технологияларни қўллаш имкониятлари			
	Андеррайтинг ва тарифларни қўллаш	Шартнома тузиш	Шартномани кузатиб бориш	Даъволарни қўриб чиқиш
Интернет (суғурта компанияларининг расмий сайтлари)	Янги суғурта маҳсулотлари (суғурта объектини бошланғич кўздан кечирмаслик), мижозларни риск гуруҳлари бўйича селекция қилиш	Электрон суғурта шартнома-ларини тузиш (е-полислар)	Суғурта компанияси сайтида мижозлар учун шахсий кабинетлар (шартномаларга ўзгартиришлар киритиш)	Даъво аризаларини сайт орқали масофавий тақдим этиш (даъво бўйича маслаҳатлар олиш, асситанс хизматлари)
Смартфонлар ва планшетлар: Мобил интернет; GPS, фото ва видео камералар; гироскоп ва акселерометр; турли туман датчиклар (қўл-бармоқ, кўз излари)	Рискларни баҳолашда улардан телематика мақсадида фойдаланиш, суғурталанувчиларнинг активлигини баҳолаш	Мобил иловалар (е-полисларни тузиш). Мобил илова орқали суғурта олди экспертизани ўтказиш	Мобил иловалар (шартномага ўзгартиришлар киритиш)	Ҳолатлар бўйича даъво аризаларини бериш (фото ва видеолар илова қилган ҳолда)
Телематика (Интернет нарса (<i>Internet of things</i> , IoT)): тиббий датчиклар; видеофиксаторлар; сигнализациялар; кузатув мосламалари	Мижознинг индивидуал рискини баҳолаш	Шартнома олди экспертизасини ташкил этишда телематика маълумотлари-дан фойдаланиш	Рискнинг ўзгаришини баҳолаш (шартномани ўзгартириш) рискни камай-тириш бўйича тавсиялар бериш	Суғурта ҳодисасини расмийлаштириш, ўғирланган мол-мулкларни қидириш, зарарларни бошланғич баҳолаш
BigData	Селекция, классификация, тарифлаштириш Мақсадида турли маълумотларни ишлатиш			Суғурта ҳодисалари руй берганлигини ва товламачилик ҳолатларини бевосита тасдиқлаш
Сунъий интелек	Рискларни	Чат-ботлар орқали мижозларга маслаҳатлар бериш, хужжатларни расмийлашти-риш	Чат-ботлар	Товламачилик ҳолатларни аниқлашда қўп омили таҳлилларни олиб бориш
Blockchain	Янги суғурта маҳсулотлари (ақлли суғурта)	Шартномаларни тузиш ва тўловларни амалга ошириш технологиялари		Ақлли шартномалар бўйича мажбурият-ларни онлайн бажариш

Манба: адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бир суғурталанувчига шахсий ёндашувларни амалга ошириш орқали бу суғурта андеррайтинги яхшилланишига эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Суғурта бозори ва унда қўлланилаётган молиявий технологияларнинг соҳа жараёнларига таъсири ўрганиш, уларни жорий этишни тезлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, ушбу жарарёнларни тўғри ташкил этишда қўйида йўналишларда фаолиятларни олиб бориш керак:

1) Суғурта компанияларида қўлланиладиган замонавий технологиялар бу нафақат суғурта компанияси бизнес жараёнларини соддалаштириш, балки миждозларга йўналтирилган суғурта бизнесни ривожлантириш, суғурта соҳасини рақамлаштириш, инновацион маҳсулотларни жорий этиш, суғурта маҳсулотларини сотишда интернет технологиялардан, янги сотиш каналларидан ва суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва қоплаш бўйича янги усуллардан фойдаланишини назарда тутати.

Суғуртани инновацион технологиялар орқали ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар аниқланганлигини ҳисобга олган ҳолда бу йўналишларда ишларни жадаллаштириш керак бўлади, яъни объектив ташкилий ва техник (интернеттезлиги, унга кириш ва сифати, мобил алоқа, миждозларнинг смартфонлардан фойдаланиш имконияти, рақамли технологиялардан фойдаланиш учун планшет ва мобил мосламаларнинг мавжудлиги), субъектив (суғурта компанияларининг чекланган инновацион таклифлари, суғурта компаниясига бўлган ишончнинг паст даражаси, аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий қарорларни қабул қилишдаги малакалари, шакланмаган суғурта маданияти, суғурталанувчиларнинг анъанавий маҳсулотлар ва сотиш каналларига содиқлиги).

2) Суғурта бозорининг янада ривожланиши кўпроқ даражада суғурта маҳсулотларини сотиб олиш ва суғурта даъволарини ҳал қилиш бўйича шахсий таклифларни тақдим этишга қаратилган рақамли хизматларни фаоллаштириш. Шу жумладан блокчейн технологиялари, Big Data, теле технологиялардан фойдаланишга боғлиқдир.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Пичков О. Б., Уланов А. А. (2017) Перспективы и возможности цифровой экономики на современном этапе развития // Страховое дело. № 10. С. 12–16.

Котловский И. Б., Сириченко Н. В. (2017) Инновационные информационные технологии для страховой отрасли // Финансы. 2017. № 9. С. 38–44.

Брызгалов Д.В. (2018) Цифровизация конкуренции на страховом рынке // Экономика. Налоги. Право. №2. С. 121-128.

Тепкаева З.З. (2020) Внедрение цифровых технологий в деятельность страховых организаций России. Финансовые исследования № 2 (67). С. 162-170.

Бикоева Д.П. (2019) Влияние цифровых технологий на развитие страховой деятельности. «Инновации и инновации» №5. С. 96-98.

Козлова О.Н., Котова О.Н., Павловская Е.В. (2017) Использование новых каналов сбыта для повышения эффективности работы страховых компаний // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 3: Экономика. Экология. Т. 19. № 2. С. 108–116.

Турдумамбетов Б.К. (2017) Современные технологии – драйверы страхового рынка // Страховое дело. № 7. С. 10–13.

Сплетугов Ю.А. (2020) Информационные технологии на российском страховом рынке: возможности развития // Финансовый журнал. 2020. Т. 12. № 1. С. 105–116. DOI: 10.31107/2075-1990-2020-1-105-116.